

НИКОҲ ТҶИИ МАРОСИМИ ФОЛЬКЛОРИДА СОВЧИ ОБРАЗИ ВА СОВЧИЛИК БИЛАН БОҒЛИҚ УДУМЛАР

Гулжаҳон Амонова МАРДОНОВА

Педагогика фанлари бўйича (PhD) фалсафа доктори

Қарши давлат университети

Қарши, Ўзбекистон

Аннотация

Мақолада никоҳ тўйи маросими фольклорида совчилик удуми, унинг тарихий асослари, совчи образига хос хусусиятларнинг генезиси, у билан боғлиқ айтимларнинг типологик жиҳатлари илмий-назарий асосда таҳлил қилинган.

Таянч сўзлар: никоҳ тўйи, маросим, одат, совчи, образ, генезис, айтимлар.

ОБРАЗ СВАХИ В ФОЛЬКЛОРЕ СВАДЕБНОЙ ЦЕРЕМОНИИ И ОБЫЧАИ, СВЯЗАННЫЕ СО СВАТОВСТВОМ

Гулжаҳон Амонова МАРДОНОВА

Доктор философии (PhD) по педагогическим наукам

Каршинский государственный университет

Қарши, Ўзбекистон

Аннотация

В статье с научно-теоретической точки зрения проанализированы обычаи сватовства в фольклоре свадебной церемонии, ее исторические основы, генезис свойств, присущих свахе, типологические аспекты связанных с ним песен.

Ключевые слова: свадьба, церемония, обычай, сваха, образ, генезис, песни.

Никоҳ тўйи маросим фольклорининг биринчи босқичига мансуб удумлар локал белгилари ҳамда ўзига хослиги билан ажралиб туради. Совчилик никоҳ тўйи маросимининг ибтидоси ҳисобланиб, бу борада қатор тадқиқотларда фикр-мулоҳазалар билдирилган бўлиб, “совчи” сўзининг этимологиясида яхшилик, эзгулик, хушхабар етказиш маънолари ётади.

Ўзбекистон Миллий энциклопедиясида: “Совчилик тўғрисидаги илк маълумотлар 7-8 асрларга оид Ўрхун–Энасой битикларида учрайди. Тунюқук битиктошида “сов”, “саб” калимаси сўз, гап маъносида ишлатилади. “Ирк битиги” (“Фол китоби”)да “саб” – сўз, “сабчи” – хабарчи, сўз келтирувчи маъносида қўлланилган” [13; 691]. Совчилик ҳақида буюк туркшунос олим Маҳмуд Қошғарийнинг “Девону луғатит турк” асарида “*Sawchi* – келин ва кув орасида бир-бирига хабар элтувчи” [14; 169], деб таъкидланган. С.Е.Маловнинг фикрича *savey*, Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг” асарида “хабарчи”, нанай

тили диалектида *savey* “хабар бермоқ, маълум қилмоқ” маъноларини билдиради [8; 420]. Қолаверса, С.Е.Малов *sarsu*, *savsu* сўзларини *savey* сўзи билан солиштириб қадимда “*етакловчи, нотиқ*” маъноларини англатишини ёзади [8;418-420]. В.В.Радловнинг фикрича, *савчы* уйғур ва чигатой тилида “пайғамбар” маъносини билдиради [11; 431-432]. Яна бир манбада “*Salei*” сўзи “*муқаддас, пайғамбар, хабар берувчи, элчи*” маъноларини англатиши таъкидланган [5;478]. С.Е.Маловнинг фикрича, тарихий сўз бўлган совчи *сов* илдизидан олиниб, -чи аффикси қўшилган. Қадимги туркий манбаларда қўлланилган *sav*, *sap*, *sav* сўзларининг маъноси “нутқ, хабар, сўз, хабар бермоқ” маъноларини англатган [8;420]. В.В.Радлов *сав* сўзи уйғурча сўз эканлигини таъкидлайди [11; 424]. А.К.Боровков фикрига кўра *совчи* термини ўта қадимийдир [2; 17]. Қозоқ олимаси Р.Сыздыкованинг кайд этишича, «савчи»/«жавчы» сўзининг асосида турадиган “сав” элементи туркий тилларда “сўз” маъносини билдирувчи “соз/сау” ўзагига боғланади [12;77].

“Бу сўзнинг ўзаги “сав” лексемаси бўлиб, “-чи шахс от ясовчи қўшимчадир. “Сав” сўзи эса қадимги туркийлар тилида “нутқ”, “хабар”, “сўз”, “маълумот”, “бирор хабарни етказмоқ”, “маълум қилмоқ” маъноларини англатган. Демак, “совчи” атамаси “хабар, маълумот, гап-сўз, янгиликларни етказувчи киши” маъносида қўлланилган бўлиб, жумладан, йигит хонадони номидан қизи бор оилаларга юбориладиган воситачи вазифасини ҳам бажарган” [6;97].

Никоҳ тўйлари маросим фольклори билан бевосита боғлиқ бўлган совчилик ва совчи образи нафақат туркий аҳоли, балки дунёнинг кўплаб халқлари ўртасида ўхшашлик хусусиятига эгадир. Фольклоршунос М.Н.Моллаев фикрича, кўмиқ халқида қиз томон ўз қарорини айтишга асло шошмайди, обрўсини сақлайди. Йигит тарафидан обрўли, ишончли киши – “*арачи*” қиз томонга юборилади. Унинг вазифаси қиз ота-онасининг бўлажак куёв тараф ҳақидаги фикрини билишдир. Агар яхши фикр айтсаларгина, қиз томонга “*гилечи*” – совчилар юборилади [9;8], деб кўмиқларнинг совчилик билан боғлиқ одатлари ҳақида сўз юритса, тарихчи олим Э.В.Камалеев эса

бошқирд татарларида совчиликка жасур, тилли бурро, куёв томон қариндошлари орасида хурматга эга одам танланиши, уни *яучы, димче, думче* ёки *бош кода* (бош куда) дейишганлиги, совчилар қиз тараф розилик билдирмагунча, бир неча маротаба қатнаганлигини айтиб ўтади [7;12]. Тарихчи олим С.Э.Бокариус фикрича, Юқори Лужицада тўйга барча қадимий анъаналарни яхши биладиган куёвнинг яқин ишонган кишиси (хамқишлоғи, яқин дўсти) раҳбарлик қилади. Уни “*брашка*” деб аташади. У ҳеч кимга билдирмай, гоҳо кун кеч бўлганда қиз тарафга келиб, оиланинг бўлғуси куёв ҳақидаги фикрларини ўрганади. Унинг бу ташрифи куёв бўлмишнинг обрўсига доғ туширмаслик учун барчадан сир тутиладики, то қиз тараф ўз розилигини билдирмагунча “*брашка*” бу хонадонга бир неча маротаба келади. У йигит тарафга хушхабар билан боргандагина бўлғуси куёв билан биргаликда келадилар [3;9-10].

Қорақалпоғистоннинг Эллиққалъа, Бухоро вилоятининг Ромитон, Сурхондарёнинг Қўмқўрғон, Қашқадарёнинг Қамаш, Чироқчи туманлари ва Самарқанднинг Булунғур, Нуробод туманларида, Хоразмнинг айрим туманларида эркаклар; Қашқадарё вилоятининг Қарши, Шаҳрисабз, Китоб, Самарқанд вилоятининг Ургут, Наманган вилоятининг Норин, Тошкентнинг шаҳар туманларида, Жиззахнинг Зомин, водийнинг деярли барча туманларида аёллар совчиликка боришади. Сурхондарёда совчиликка бориш учун бир никоҳли, қўша қариган, бамаъни қариндош, маҳалла оқсоқоли, кураги ерга тегмаган полвон, кўпкарида моҳир улоқчи танланади. Барча ўринларда совчининг бир никоҳлилиги, серфарзандлиги, тиниб-тинчиганлиги эътиборга олинади.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, никоҳ тўйи билан боғлиқ барча урф-одат, маросимларда рангларнинг танланишига аҳамият берилади. “Фарғона водийси қипчоқларида совчилик қилувчи шахс оқ ва қизил от минган ҳолда қиз яшайдиган хонадонга борган. Совчилар бу эзгу мақсадда ҳеч қачон қора отдан фойдаланмаганлар. Чунки қора отда бориш иш битмаслигига сабаб бўлади, деб ҳисоблаганлар” [1;89].

Сирдарёда совчилар ташрифи “эшик супурди”, деб аталади. Аммо бу ерда совчиларнинг эшик супуриш одати йўқ. М.Муродова ўзбек никоҳ тўйлари маросим фольклорининг локал хусусиятлари ҳақида фикр юритар экан, “Самарқанд вилояти туманларида совчиларнинг илк бор келиши “эшик очар” дейилса, қайта-қайта катнаши “ковуш йиртар” деб юритилганлигини таъкидлайди. Пахтачи тумани Сулукўрғон қишлоғида совчиларнинг илк бор ташриф буюришини “гўсала (яъни урғочи бузоқ) излаб келибдилар”, “йитик (яъни йўқотилган нарса, кишини) ахтариб келибдилар дейишади” [10;12], деб таъкидлайди.

Ўзбекистоннинг жанубий вилоятларида совчилар кизникига борганда “Бир ёмонимизга бир яхшингизни сўраб келдик” қабилада мурожаат қиладилар. Совчилик удуми билан боғлиқ айтим кўшиқларда ранглар, буюмларнинг танланишида рамзлар бор. Қора ранг билан боғлиқ буюмлардан фойдаланилмаган, оқ, қизил, яшил, кўк ранглари эса фольклор жанрларида кенг қўлланилган.

З.М.Брусъкoning ёзишича, татарларда совчининг гаплари – *яучы такмагы (совчининг ритуал мурожаати)* магик ҳолатни намоён қилади, у келиннинг ота-онасига психологик таъсир кўрсатади. Бу мурожаатда булбул ва лочин жуфтлиги тилга олинади.

Соловушка с шелковым поясом

Есть твоей стране

Сокол с ремнем

Есть в моей стране [4;16].

Бу айтимда қизнинг нозиклиги, нафислиги шоҳи белбоғли булбулга, йигит эса жасур, жасоратли, мерган, белига қайиш боғлаган лочинга қиёсланади. Йигитнинг лочинга қиёсланишида ҳам рамз мавжуд. Бу билан унинг соғломлиги, удабуронлиги, оилани боқиш, уни моддий таъминлай олиш салоҳияти ҳақида хабар етказилмоқда. Қолаверса, таъкидланган қиёсларда халқнинг юксак бадий тафаккури, фикрларни ифода этишда образлилик маҳорати намоён бўлмоқда.

Н.Қуранбаеванинг таъкидлашича, “Хоразмда совчиларнинг ўз ниятларини баён қилиш мақсадида айтган шеърӣ айтимлари турли вариантлилиги билан характерлидир. Қуйида ана шундай характерли мисоллардан бири келтирилади:

Сизнинг боғда тар ғунча,

Кутдик то очилгунча.

Бир ёмоннинг яхшингизга,

Ишқи тушиб қолибди.

Мазкур қўшиқларнинг ўзига хослиги қўшиқларнинг метафорик образларга асосланганлигида кўзга ташланади. Яъни, “Сизнинг уйда қиз бор экан” дейиш ўрнига “Сизнинг боғда тар ғунча”, “Қизингиз балоғатга етгунча кутдик” дейиш ўрнига “Кутдик то очилгунча”, “Бизнинг ўғил” дейиш ўрнига “Бир ёмон”, “Сизнинг қизингиз” дейиш ўрнига “Яхшингизга” каби метафорик образлар совчи қўшиқларига ўзига хос образлилиқ, бадий теранлик ва поэтик сирлилиқ бағишлаган” [15;16].

Совчилик удуми билан боғлиқ айтим ва қўшиқ матнлари республикамизнинг кўплаб ҳудудларида сақланиб қолган бўлса-да, улар тўлиқ ҳолида етиб келмаган. Айрим намуналарда совчининг келиши эпизодлари тасвирланади. Қашқадарё вилояти Қамаши туманидаги Лангар қишлоғида яшаган Қизларбас Равшанова ҳамда Абдусаттор Муҳаммадиевдан диссертант томонидан ёзиб олинган “Чеча ва қайнсингил” айтишувида қайнсингилнинг чечасига сўроқ оҳангидаги мазмун орқали совчиларга урғу қаратганлигида ҳам шундай тасвирни кўришимиз мумкин. (Изоҳ: Муаллифнинг фольклор экспедицияси материаллари. Қўлёзма шахсий архивимизда).

Қайнсингил:

Кўк тўбадан чанг чиқди,

У нимадир, чечажон?

Икки отлиқ бир чиқди,

Улар кимдир, чечажон?

Якка отлиқ ортида,

Буниси кимдир чечажон?

Матн олти мисрадан иборат бўлиб, унда совчилик хабари ва поэтик ифода “чечажон” сўроғи орқали англашилган. Биринчи қаторда таъкидланган “кўк тўба” ибораси рамзий маънога эга. Қадимги туркийлар назарида эзгулик тангрилари кўк рангда бўлган ва осмонда яшаган. Демак, совчиларнинг “кўк тўба” (кўк тепалик) ортидан келишини таъкидлашда эзгуликка, яхшиликка ишора бор. Қолаверса, айтишувдаги “тўба” сўзи туркийлар турмушида кенг тарқалган тоғ култи билан боғлиқ. Аждодларимиз тасаввурига кўра ҳомий руҳлар инсоният қадами теккан жойлардан кўра баланд манзил (тоғлар, тепалик)ларда яшайди. “Икки отлиқ” – жуфтлик, якка отлиқ ортидаги бўлажак куёв ҳам ўз жуфтини қидириб йўлга отланган образдир. Матндаги қизнинг рухий ҳолати “чеча” жавоби орқали ечилмоқда. Якка отлиқдаги кишининг –куёвнинг кўриниши, албатта, қизнинг бўй етганлиги, унга ошиқ бўлган йигитнинг савлат тўкиб кўриниш беришидан далолат бермоқда. Матндаги “эна қиз” такрори жавоб ифодаси бўлиб, совчи ва у билан боғлиқ поэтик ифоданинг мазмунини билдирмоқда.

Чеча:

Кўктўбадан чанг чиққан,

Жовчилар келди, эна қиз.

Икки отлиқ бир чиққан,

Жовчилардир, эна қиз.

Якка отлиқ ортида,

Куёвингиз эна қиз.

Чечанинг жавобида айнан “кўк туба” сўзи қайтариқ сифатида келтирилган. Поэтик образ сифатида отнинг келиши ҳам бежиз эмас. Бу халқимизнинг ҳаётий билим ва тажрибалари, фалсафий хулосаларини ифодалашга хизмат қилиш билан бир қаторда рамзий ифода – эътиқодий қарашнинг тимсолидир. Айтимда от аниқ мақсад, ниятни ифодаламоқда. Қуйидаги мисраларда бу ҳолат янада намоён бўлади.

Қайнсингил:

Отлилар келди ов бўлсин,

*Шу гаптингиз чин бўлсин.
Овзингизга мой бўлсин.
Олтин сирга қулоққа,
Илдингиз-а, чечажон.
Менинг учун келганин,
Билдингиз-а, чечажон.
Кўгандаги қўзилар,
Қўйлар бўлсин, чечажон.
Менга ўхшаган қизлар,
Тўйлар бўлсин, чечажон.
Борадиган жойимиз,
Обод бўлсин, чечажон.
Жеганимиз тортилган,
Новвот бўлсин, чечажон.*

Айтимда совчи, куёв, чеча, қиз, эпик макон Кўктўба ва от образининг ёнма-ён келиши, биринчидан, анъаналар қобиғида шаклланган удум ва одатларимизнинг узвий давомини кўрсатса, иккинчидан, қиз ва йигитнинг ўзаро жуфтлик рамзи – ҳаёт қонуниятининг бадиий аксини, учинчидан, кайвонилик қилувчи совчи образининг икки тарафлама никоҳ учун гувоҳлик мазмунига урғу белгиси эканлиги ҳамда мана шу хусусиятлар маълум рамзий ифодалар – эпик жой ва от образида мужассамлашганлиги тасвирида кўрсатилмоқда. Бу каби хусусиятлар бош қаҳрамонларнинг ички кечинмалари, руҳий олами ва ниятининг ифодалашга хизмат қилган ва бадиий аҳамият касб этган.

Мисрадаги “ов” сўзи ҳам поэтик мазмун касб этади. Бўлажак келин чечасига “овзингизга мой бўлсин” сўзлари орқали ризқ тиламоқда. “Кўгандаги қўзилар”нинг “қўйлар” бўлишини тилаш орқали ҳам бойлик, тўкинлик бўлишини ният қилиш ифода этилмоқда. Шу фикр давомийлик касб этиб, қиз борадиган жойининг ободлигини таъкидлаб куёв уйини идеаллаштирмоқда, егани новвот бўлишини ифодалаб, яхши ният изҳор этмоқда. Бу ўринда ширинлик – новвот тимсолидан фойдаланилмоқда.

Чеча:

*Куёв келди шайланиб,
Белига белқарс бойланиб.
Куёв келди, қаранг-а,
Катта-катта қадам билан,
Нимча ўрик, бир нон билан.*

Ушбу мисрадаги куёвнинг шайланиб келганига ишора сифатида белбоғ образидан фойдаланилмоқда. Белбоғ тўғрисидаги магик тасаввурлар, ишончга кўра чинакам йигитнинг белида белбоғи бўлади. Айтимда белбоғ образининг қўлланилиши – бўлажак куёв образининг мард, шижоатли, бир сўзли эканлигига ишорадир. “Куёв келди, қаранг-а, Катта-катта қадам билан” сатрларидаги “катта-катта қадам” ўхшатиши улуғлик, басавлатлик, унинг обрў-эътиборини, имкониятининг кенглигини англатади. “Нимча ўрик, бир нон билан” ўхшатмаси ризқ-рўз, оила тинчлигига ишорадир.

Совчилик мавзусидаги иккинчи айтишув ҳам Лангарлик Қизларбас Равшановадан диссертант томонидан ёзиб олинган. (Изоҳ: Муаллифнинг фольклор экспедицияси материаллари. Қўлёзма шахсий архивимизда). Айтимда рамзлардан кенг фойдаланилган.

Қиз:

*Ҳалгинчагим арчадан,
Кийган тўним парчадан.
Бизга совчи келибди,
Тил билмаган галчадан.
Оҳувона оҳувон.*

Бу мисрадаги ҳалгинчак (ҳалинчак) образи – қизнинг оила тутишга тайёрлиги, янги ҳаётга шайлигини билдирса, “арча” сўзи узоқ умр кўриш, авлод давомийлигига ишорадир. Чунки табиатда арча минг йилдан ортиқ умр кўради. Халқ оғзаки ижоди жанрларида қўлланиладиган “арча” сўзининг ўз рамзий маънолари мавжуд.

Дугона:

Бошингизга оқ рўмол,

Илиб қўяр дугона.

Қадирингиз доимо,

Билиб қўяр дугона.

Оҳувона оҳувон.

Никоҳ тўй маросим фольклори жанрларида “оқ” сўзи кўп учрайди. Чунки туркийлар азалдан “оқ” рангни хосиятли деб, билган. Бу тўртликнинг биринчи сатридаги “оқ рўмол”нинг бошга ташланиши эзгулик, яхшилик, поклик рамзига ишора. Қаерда яхшилик ва эзгулик бор экан, у ерда инсон кадр топади, деган нозик ишора бор. Совчи ва совчилик билан боғлиқ кадриятларимиз ўзининг қадимий илдизларига эга бўлиб, улар моддий-маънавий эҳтиёж, рухий-психологик талаб асосида аждодлардан мерос бўлиб келаётган никоҳ шартлари қоидаларини мужассамлаштирган удум сифатида авлодларга хизмат қилишда давом этмоқда.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, совчи ва совчилик удумининг тарихий асослари, генезиси, образ ва рамзий ифодалари ҳамда анъанавий маросим таркибида сақланиши, у билан боғлиқ айтимлар матнида халқимиз эътиқодий қарашлари, анъаналари мужассамлашганки, улар алоҳида тадқиқот ишларини талаб этади.

Фойдаланилган адабиётлар:

- 1.Аширов А. Ўзбек халқининг қадимий эътиқод ва маросимлари. – Тошкент: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси, 2007. – 274 б.
- 2.Боровков А.К. А.К. Лексика среднеазиатского тафсира XII-XIII вв. – Москва, 1963. – 306 с.
- 3.Бокариус С.Э. Свадебная обрядность серболужичан: этнокультурные аспекты ассимиляции: автореф. дис. ... канд. Ист. наук. – Санкт-Петербург, 1993. – 19 с.

4. Брусско З.М. Фольклор семейно-бытовой обрядности татар: автореф. дис. ... канд. Филол. наук. – Казань: Ин-т яз., лит. и искусства им. Г.Ибрагимова АН Респ. Татарстан. – 2012. – 26 с.

5. Древнетюркский словарь. – Ленинград, 1969. – 572 с.

6. Жўраев М., Худойкулова Л. Маросимнома. – Тошкент: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси, 2008. – 165 б.

7. Камалеев Э.В. Свадебный обряд татар Башкортостана: сохранение традиций в условиях трансформации общества в конце XIX - начале XXI в.: автореф. дис. ... канд. Ист. наук. – Санкт-Петербург: Музей антропологии и этнографии им. Петра Великого (Кунсткамера) РАН, 2013. – 23 с.

8. Малов С.Е. Памятники древнетюркской письменности. – Москва: Наука, 1951. – 431 с.

9. Моллаев М.Н. Свадебно-обрядовый фольклор кумыков и его сценическое воплощение: общенациональное и локально-специфическое: автореф. дис. ... канд. Филол. наук. – Махачкала: Ин-т яз., лит. и искусства им. Г.Цадасы, 2012. – 22 с.

10. Муродова М.Ш. Ўзбек никоҳ тўйи фольклорининг жанрлар таркиби ва бадиияти (Ўрта Зарафшон воҳаси материаллари асосида): филол.ф.б.фалса.докт.дисс.автореф. – Тошкент: ЎзР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти, 2018. – 53 б.

11. Радлов В.В. Опыт словаря тюрских наречий. Т.3 Ч.1. – Петербург, 1905. – 1141 с.

12. Сыздыкова Р. Создер сойлейди. – Алматы: Санат, 1994. – 77 с.

13. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 12 жилдлик. 7 жилд. ПАРЧИН-СОЛИҚ. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2004. – 704 б.

14. Қошғарий, Махмуд. Девону луғатит турк. Уч жилдлик. 3 жилд. /Таржимон С.Муталлибов. Нашрга тайёрловчилар А.Рустамов, Ҳ.Болтабоев. – Тошкент: Фан, 1963. – 463 б.

15. Қуранбаева Н. Хоразм тўй қўшиқлари: филол.фан.номз. дисс.автореферати. – Тошкент: ЎзР ФА Алишер Навоий номидаги Адабиёт инс-ти., 1998. – 23 б.